

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**МАКТАБЛАРНИНГ ПЕДАГОГ
ХОДИМЛАРИГА МЕХНАТГА ҲАҚ
ТЎЛАШ ТАРТИБИ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

Тошкент - 2024

Мактабларнинг педагог ходимларига меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби бўйича услубий қўлланма.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2024. – 20 бет.

Мазкур услубий қўлланма педагогларнинг моддий турмуш шароитларини яхшилашга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга ошириш мақсадида уларга тўланадиган ҳақ миқдорларини тўғри ҳисоблаш ва тўлаб борилишини таъминлаш бўйича қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ижрога қаратишни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди.

Қонунчилик ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан ушбу қўлланма такомиллаштириб борилади, шу сабабли, қўлланманинг янгиланган санасига эътибор қаратиш лозим.

Ушбу услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

МУНДАРИЖА

Фойдаланилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.....	3
Умумий қоидалар.....	5
Мактаб ходимларининг тариф ставкалари (лавозим маошлари).....	6
Устамалар ва қўшимча ҳақлар.....	10
Меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари.....	19

ФЙДАЛАНИЛГАН НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси	
Меҳнат кодекси	
Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сон қонуни;	
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 февралдаги “”Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ–37-сон Фармони	
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги “2022 — 2026 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–134-сон Фармони	
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6108-сон Фармони	
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 сентябрдаги “Иқтидорли ёшлар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–346-сон қарори	
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини	

<p>сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5117-сон Фармони</p>	
<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4306-сон қарори</p>	
<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 1 апрелдаги “Қишлоқ жойлардаги болалар спорти объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–1315-сон қарори</p>	
<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 275-сон қарори;</p>	
<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун ваколатли органни хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 88-сон қарори.</p>	
<p>Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги “Олис ҳудудларда жойлашган умумий ўрта таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагог ходимларнинг меҳнатини янада рағбатлантириш тўғрисида”ги 471-сон қарори</p>	
<p>Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 октябрдаги “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим беришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 638-сон қарори</p>	

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР



Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб ўқитувчилик касбининг аҳамияти ва нуфузини юқори кўтариш бўйича аниқ мақсадга қаратилган ишлар изчиллик билан рўёбга чиқарилмоқда, педагогларнинг моддий турмуш шароитларини яхшилашга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўқитувчиларнинг масъулиятли меҳнати ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш ҳамиша давлатнинг диққат марказида туради. Кейинги йилларда халқ таълими тизими ходимларининг иш ҳақи миқдорлари бир неча марта оширилди. Ўқитувчиларга алоҳида устама ҳақлар жорий этилиши ва таълим стандартлари талабларига мувофиқ педагогларнинг иш юкламалари мақбуллаштирилгани халқ таълими соҳасига ёш мутахассислар келиб қўшилишига имконият яратди.




Директор жамғармаси барча умумтаълим муассасаларида — мактабларда ташкил этилади ва унинг маблағлари фақат умумтаълим муассасаларининг **ўқитувчиларига устамалар белгилаш учун** йўналтирилади;

Директор жамғармаси маблағларидан устамалар билан умумтаълим муассасаларининг ўқув-тарбия жараёнига **катта шахсий ҳисса қўшаётган, ўз касбига содиқлик ва ташаббускорлик, юқори касб даражасини намоён этаётган иқтидорли ўқитувчилари** рағбатлантирилади.

Умумтаълим муассасалари ходимларига **Директор жамғармасидан ҳар ойлик устамалар ва бошқа рағбатлантиришлар** белгилаш тўғрисидаги қарорлар умумтаълим муассасалари ҳузуридаги **махсус комиссиялар** томонидан қабул қилинади. Бунда халқ таълимини бошқариш ҳудудий органларининг умумтаълим муассасалари ҳузуридаги махсус комиссиялар фаолиятига ва улар томонидан қабул қилинадиган қарорларга аралашшига йўл қўйилмайди.

МАКТАБ ХОДИМЛАРИНИНГ ТАРИФ СТАВКАЛАРИ (ЛАВОЗИМ МАОШЛАРИ)

Халқ таълими ходимларининг лавозим маошлари 
халқ таълими муассасаларининг педагог ходимлари ва раҳбар
ходимларининг ҳар бир лавозими ва малака тоифаси учун
белгиланган **базавий тариф ставкалари** асосида шакллантирилади.

Базавий тариф ставкаси қуйидаги тўловларини ўз ичига олади:

Ягона тариф сеткаси бўйича тариф ставкасини;

Доимий устамаларни;

Иш ҳақиға қўшилган компенсация тўловларини.



**Халқ таълими педагог ходимларининг базавий
тариф ставкалари қуйидагиларга боғлиқ ҳолда
табақалаштирилади:**

- ходимнинг лавозимиға;
- ходимнинг малака тоифасиға;
- халқ таълими муассасасининг типига.



**Халқ таълими ходимларининг касбий ўсишини
рағбатлантириш учун қуйидаги малака тоифалари ва
ушбу малакаларни олиш учун ходимларнинг маълумот
даражасиға қўйиладиган асосий талаблар белгиланади:**

- ✔ ўрта махсус, касбий (педагогик ёки бажарилаётган лавозим
вазифаларига мувофиқ бўлган) маълумотға эга бўлган,
тоифаси бўлмаган ходим;

- ✔ бакалавр даражасига ёки олий маълумот даражаси бўйича академик даражалар жорий этилгунга қадар олинган **олий маълумотга эга бўлган мутахассис**;
- ✔ бакалавр, магистр даражасига ёки олий маълумот даражаси бўйича академик даражалар жорий этилгунга қадар олинган олий маълумотга эга бўлган **иккинчи тоифали мутахассис**;
- ✔ бакалавр, магистр даражасига ёки олий маълумот даражаси бўйича академик даражалар жорий этилгунга қадар олинган олий маълумотга эга бўлган **биринчи тоифали мутахассис**;
- ✔ бакалавр, магистр даражасига ёки олий маълумот даражаси бўйича академик даражалар жорий этилгунга қадар олинган олий маълумотга эга бўлган **олий тоифали мутахассис**.

АТТЕСТАЦИЯ

Педагог кадрлар хар беш йилда бир марта навбатдаги мажбурий аттестациядан ўтказилади

Илгари аттестациядан ўтмаган ишга янги қабул қилинган педагог кадрларга ёки олий таълим ташкилотларини битириб биринчи бор ишга кирган педагог кадрлар касбий фаолиятига **уч йил тўлгандан сўнг** навбатдаги мажбурий аттестациядан ўтказилади.

Педагог кадрлар ўз хоҳишига кўра навбатдан ташқари аттестациядан ўтказилиши мумкин.

Навбатдаги мажбурий аттестация натижаларига кўра амалдаги малака тоифаси (лавозими) оширилган, сақланган ёки туширилган, шунингдек, навбатдан ташқари аттестация натижаларига кўра амалдаги малака тоифаси (лавозими) оширилган ёки сақланган педагог кадрлар навбатдаги мажбурий аттестацияга **беш йилдан сўнг** жалб этилади.

Мақтаб ва мақтабдан ташқари таълим, маданият ва спорт муассасалари педагог ва бошқа ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари миқдорлари

№	ЛАВОЗИМЛАР НОМИ	МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ ЭНГ КАМ МИҚДОРИГА НИСБАТАН (коэффициентда)				
		олий малака тоифали	биринчи малака тоифали	иккинчи малака тоифали	олий маълумотли	ўрта махсус маълумотли
1.	Умумий ўрта таълим ташкилотларининг ўқитувчиси, ўқитувчи-логопеди, логопедия шохобчаси мудирлари, ўқитувчи-дефектологи, инклюзив таълим тизими жорий қилинган ва таянч коррекцион синфлар очилган умумтаълим мактабларининг махсус педагоги	4,047	3,662	3,287	2,936	2,744
2.	Қорақалпоғистон Республикаси Мақтабгача ва мақтаб таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар мақтабгача ва мақтаб таълими бошқармалари қошидаги ўқувчиларни касбга йўналтириш ва психологик хизмат шўъбаси ходимлари	3,871	3,503	3,144	2,808	2,625
3.	Мақтабдан ташқари таълим муассасасининг ўқитувчи-тренери, олий спорт маҳорати мақтаблари, спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мақтабларининг, болалар спорт мақтабларининг инструктор-методистлари, спорт психологи	2,845	2,657	2,487	2,318	2,154
4.	Болалар мусиқа ва санъат мақтаби ўқитувчиси	3,087	2,889	2,692	2,503	2,320
5.	Болалар мусиқа ва санъат мақтаби концертмейстери	2,692	2,503	2,320	2,146	1,981
6.	Барча типдаги муассасалар тарбиячиси, катта тарбиячиси (тарбиячи-методист)	4,047	3,662	3,287	2,936	2,058
7.	Умумий ўрта типдаги муассасалар психологлари, «Меҳрибонлик» уйлари ва болалар шаҳарчалари психологлари	3,205	3,022	2,829	2,642	2,470
8.	Барча типдаги муассасаларнинг психологи (7-банддан ташқари) ва мақтабдан ташқари муассасалари инструктор-методисти (3 ва 11-бандлардан ташқари)	1,795	1,668	1,547	1,430	1,321
9.	Барча муассасалардаги методист, педагог-ташкilotчи, тўғарақлар раҳбарлари, барча ихтисосликлар инструкторлари, аккомпониатор, мусиқа раҳбари, маданият ишлари бўйича ташкilotчи (11-банддан ташқари)	1,579	1,453	1,332	1,216	1,106
10.	Барча муассасалардаги студиялар, секциялар раҳбарлари, катта вожатий, экскурсовод	1,511	1,390	1,274	1,163	1,057
11.	«Баркамол авлод» болалар мақтабларининг тўғарақ раҳбарлари, инструктор-методистлари ва методистлари, «Меҳрибонлик» уйлари мусиқа раҳбарлари ва тренер йўриқчиси, болалар шаҳарчалари мусиқа раҳбарлари	2,724	2,506	2,297	2,097	1,907
12.	Кутубхона мудирлари				2,018	1,849
13.	Кутубхоначи				1,688	1,604



Мақтабдан ташқари муассасалар бўлим, секция, лаборатория, кабинет мудирининг иш ҳақи миқдори (контингентдан қатъи назар) иккинчи малака тоифали тўғарак раҳбарининг иш ҳақиға *тенг* миқдорда белгиланади.

Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимидаги мақтаблар тўғарак раҳбарларининг базавий тариф ставкаси миқдорлари давлат умумий ўрта таълим муассасалари олий маълумотли ўқитувчиси базавий тариф ставкасининг *80 фоизи* миқдорида белгиланади



Олий таълим муассасасининг кундузги, кечки, сиртки таълим шакллариининг **педагогика йўналишларида ўқиётган шахслар 3-курсдан бошлаб ўқишиға халақит бермаган ҳолда педагоглик ишини амалға ошириш** учун умумтаълим муассасаларида асосий иш жойи сифатида ишға қабул қилиниши мумкин ва уларға ўрта махсус, касбий маълумотға эға бўлган тегишли лавозимдаги ходимнинг базавий тариф ставкаси сингари базавий тариф ставкаси белгиланади.



Бўлиб ўқитиладиган фанлар бўйича гуруҳлардан бирининг ўқитувчиси турли сабабларға кўра дарсда бўлмаган ҳолатларда **гуруҳлар қўшиб ўқитилади** ҳамда қўшиб ўқитганлиги учун **қўшимча ҳақ** тўловлари амалға оширилмайди.

УСТАМАЛАР ВА ҚЎШИМЧА ҲАҚЛАР



Умумтаълим муассасалари ўқитувчиларига қўшимча ҳақ тўловлари **меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан** фоиз ҳисобида қуйидаги миқдорларда амалга оширилади:



**Синфдаги ўқувчилар сонига кўра
синф раҳбарлиги учун:**

- 15 нафар ўқувчигача — **26,4** фоиз;
- 16 нафардан 20 нафар ўқувчигача — **31,6** фоиз;
- 21 нафардан 25 нафар ўқувчигача — **36,9** фоиз;
- 26 нафардан 30 нафар ўқувчигача — **42,1** фоиз;
- 31 нафар ва ундан кўп ўқувчи бўлганда — **52,8** фоиз.



**Дафтарларни ва ёзма ишларни текширганлик
учун:**

Синфдаги (синф — комплектдаги) ўқувчилар сони 15 нафаргача бўлганда — **8,8** фоиз;

Синфдаги (синф — комплектдаги) ўқувчилар сони 15 нафар ва ундан ортиқ бўлганда — **17,6** фоиз.





Информатика кабинети мудирлиги учун — 17,6 фоиз.



Ўқитувчилар ёзги йиллик меҳнат таътилидан қайтгандан кейин уларга янги ўқув йили бошлангунга қадар дафтарларни ва ёзма ишларни текширганлик ҳамда информатика кабинети мудирлиги учун **қўшимча ҳақ тўловлари амалга оширилмайди.**



Ходимдан қўшимча педагогик малакани талаб этадиган меҳнатнинг алоҳида шароитларида ишлаганлик учун базавий тариф ставкасига устамалар **қонунчиликка мувофиқ белгиланади.**



ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИК:



2025 йил 1 январдан бошлаб Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим муассасаларида **она тили ва адабиёт ҳамда тарих фанлари бўйича** Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг миллий баҳолаш тизимида олинган тегишли даражадаги **сертификатга эга бўлган** ва ушбу фанлардан дарс берувчи педагог кадрларга уларнинг **тариф ставкасига нисбатан 50 фоиз миқдорида ҳар ойлик қўшимча устама** тўланиши белгиланган. (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 февралдаги ПФ-37-сон Фармони*);



2021 йил 1 январдан бошлаб олис ҳудудларда жойлашган бюджет ташкилотларига бошқа ҳудудлардан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун келган олий маълумотли мутахассисларга **базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараварида бир марталик бошланғич ёрдам пули** ва уй-жойларни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун **базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 бараварида ҳар ойлик пул компенсацияси** берилади. Мазкур қарорда назарда тутилган бошланғич ёрдам пули ва ҳар ойлик пул компенсацияси солиқ тўловчининг жами даромадига киритилмайди ҳамда жисмоний

шахслардан олинадиган даромад солиғининг солиқ солиш объекти ҳисобланмайди;

2021 йил 1 мартдан бошлаб таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларда дарс бериш учун бошқа ҳудудлардан жалб қилинган олий ва биринчи тоифага эга ўқитувчи-педагогларнинг базавий тариф ставкаларига махсус устамалар жорий қилинган (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ–6108-сон Фармони*):

бир маъмурий-ҳудудий бирликлар доирасида бошқа туман ва шаҳарлардан келиб фаолият юритаётган ўқитувчи-педагогларнинг базавий тариф ставкаларига 50 фоиз;

бошқа маъмурий-ҳудудий бирликдан келиб фаолият юритаётган ўқитувчи-педагогларнинг базавий тариф ставкаларига 100 фоиз.



Таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларда дарс бериш учун бошқа ҳудудда камида бир йил ишлаган олий ва биринчи тоифага эга ўқитувчи-педагоглар жалб қилинади. бошқа ҳудудлардан жалб қилинган олий ва биринчи тоифага эга ўқитувчи-педагогларнинг базавий тариф ставкаларига махсус устамалар улар борган мактаб таълим даражаси юқори бўлмаган мактаблар рўйхатидан чиқарилган йилдан кейинги йил учун ҳам тўланади.



Таълим даражаси юқори бўлмаган мактаблар рўйхати ҳар йили 1 сентябрга қадар Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади

Олис ҳудудларда жойлашган умумий ўрта таълим муассасаларида бошқа ҳудудлардан келиб фаолият юритаётган педагог ходимларнинг базавий тариф ставкаларига иш стажидан келиб чиқиб белгиланадиган махсус устамалар миқдорлари

Т/р	Умумтаълим муассасасида ишлаган даври	Махсус устама миқдори, фоизларда
1.	6 ойдан — 3 йилгача	10
2.	3 йилдан — 5 йилгача	20
3.	5 йилдан — 10 йилгача	30
4.	10 йилдан — 15 йилгача	40
5.	15 йилдан ортиқ	50

Умумий ўрта таълим муассасаларида бошқа ҳудудлардан келиб фаолият юритаётган педагог ходимларга махсус устама белгиланадиган **ҳудудлар рўйхати** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 471-сон қарори билан тасдиқланган.

Бошланғич ёрдам пули ва ҳар ойлик пул компенсацияси ҳамда уй-жой шароитини яхшилаш бўйича имтиёзлардан олис ва чекка ҳудудларда жойлашган оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникалар ҳамда **таълим муассасаларига ишга қабул қилинган олий маълумотли** бошқа ҳудудда яшовчи шифокорлар ва мутахассислар, шунингдек, олий таълим муассасасининг бакалавриати ёки магистратурасини (таълим шаклидан қатъи назар — кундузги, сиртқи, кечки, шунингдек, иккинчи мутахассислик) тамомлаганидан кейин **уч йил мобайнида** олис ва чекка ҳудудларда жойлашган бюджет ташкилотларига ишга кирган битирувчилар фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ҳар ойлик пул компенсацияси олий маълумотли мутахассис ишга қабул қилинган ойдан бошлаб **36 ой мобайнида тўланади**, бунда ходим ушбу ҳудудда шахсий уй-жойга эга бўлганда, унга хизмат турар жойи берилганда ёки у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда, пул компенсацияси тўлаш тўхтатилади.

Олий маълумотли мутахассис ҳар ойлик пул компенсациясини олиш учун вақтинча яшаш жойини ва уй-жойни ижарага олганлик учун коммунал хизматлар қийматисиз амалдаги харажатлар суммасини кўрсатган ҳолда, тегишли бюджет ташкилоти раҳбарига **ариза** беради. Бунда, уй-жой ижараси учун ҳақиқатда тўланаётган тўлов базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 бараваридан кам бўлган тақдирда, ҳар ойлик пул компенсацияси миқдори ҳақиқатда тўланаётган тўлов миқдorigа мувофиқ камайтиради, қолган барча ҳолатларда ҳар ойлик пул компенсацияси базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдorida тўланади.

Ҳар ойлик пул компенсацияси унинг миқдорини кўрсатган ҳолда, тегишли бюджет ташкилоти раҳбарининг буйруғи билан

тайинланади ҳамда ушбу ташкилот бухгалтерияси томонидан **иш ҳақи билан биргаликда** тўланади.



Бошланғич ёрдам пули ва ҳар ойлик пул компенсацияси тегишли бюджет ташкилотининг ҳудудий молия органига берган **сўровига асосан** белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси **Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан** молиялаштирилади;

Бошланғич ёрдам пули ва ҳар ойлик пул компенсацияси учун талаб қилинадиган маблағлар тегишли бюджет ташкилотининг **харажатлар сметасида** назарда тутилади. Бунда, олий маълумотли мутахассис ва (ёки) тиббиёт ходимининг ишга қабул қилиниши жорий молия йилида рўй берган ҳолатда, бюджет ташкилотининг харажатлар **сметасига белгиланган тартибда ўзгартириш** киритилади.



Таълим муассасаларининг камида **C1 даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро тан олинган сертификатга эга хорижий тиллар** (инглиз, француз, немис, испан, итальян, араб, хитой, япон, корейс, турк, форс, пушту, дари, урду, ҳинд) ўқитувчиларига уларнинг базавий тариф ставкасига нисбатан **ҳар ойлик 50 фоиз миқдорда** қўшимча устама ҳақи тўлаб борилади (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон Фармони*).

Бунда, умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари ўқитувчиларининг камида **C1 даражадаги халқаро сертификатни олиш** учун имтиҳон топшириш билан боғлиқ харажатлари Давлат



бюджетидан педагог кадрлар малакасини ошириш учун ажратиладиган маблағлар, давлат олий таълим муассасалари ўқитувчиларининг харажатлари эса олий таълим муассасаларининг,

кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича давлат таълим муассасалари ўқитувчиларининг харажатлари — кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича давлат таълим муассасаларининг ўз маблағлари ҳисобидан қопланади.

Умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида хорижий тилда **мутахассислик фанларидан дарс берадиган В2** ва ундан юқори даражадаги миллий ёки унга мос даражадаги **халқаро сертификатга** эга ўқитувчиларига қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган устамалар татбиқ этилади.



Халқаро олимпиадалар ғолиблари ва уларнинг ўқитувчилари базавий ҳисоблаш миқдорининг қуйидаги миқдорларида бир марталик пул мукофотлари билан тақдирланади:

1-ўрин (олтин медаль) учун — 500, ўқитувчисига — 450 баравари;

2-ўрин (кумуш медаль) учун — 300, ўқитувчисига — 250 баравари;

3-ўрин (бронза медаль) учун — 200, ўқитувчисига — 150 баравари;



Асосий олимпиадалар республика босқичи ғолибларининг ўқитувчилари базавий ҳисоблаш миқдорининг қуйидаги миқдорларида бир марталик пул мукофотлари билан тақдирланади:



1-ўрин учун — 50 баравари;

2-ўрин учун — 35 баравари;

3-ўрин учун — 30 баравари;

Халқаро олимпиадалар ғолибларини тайёрлаган ўқитувчилар ва таълим муассасаси директорларига навбатдаги ўқув йили учун директор (рағбатлантириш) жамғармасидан олтин, кумуш ва бронза медаллари бўйича тегишинча қўшимча **200, 175 ва 150 фоизлик устама** тўланади

Таълим муассасаларида ўқитувчи бўлиб фаолият юритаётган:

халқаро олимпиадалар ғолиблари лавозим маошига ҳар ой 150 фоиз;

асосий олимпиадалар республика босқичи ғолиблари лавозим маошига ҳар ой 100 фоизлик устама ҳақи тўланади (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги ПҚ–4306-сон қарори).



2010 йил 1 апрелдан бошлаб қишлоқ жойлардаги умумтаълим мактабларида, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ва спорт мактабларида **жисмоний тарбия ўқитувчиси ҳамда тренер бўлиб ишлаётган аёлларнинг** тариф ставкаларига ҳар ойда **15 фоиз миқдорда устама** ҳақ белгиланган (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 1 апрелдаги ПҚ–1315-сон қарори).



2022 йил 1 сентябрдан бошлаб Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим муассасаларида ўзи дарс берадиган фани бўйича тегишли даражадаги сертификатга эга бўлган педагог кадрларга ҳар ойлик қўшимча устама қуйидаги тартибда тўланади:

халқаро тан олинган сертификатга эга бўлган педагог кадрларга — уларнинг тариф ставкасига нисбатан 50 фоиз миқдорида;

халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган миллий баҳолаш тизимида олинган сертификатга эга бўлган педагог кадрларга — уларнинг тариф ставкасига нисбатан 50 фоиз миқдорида.



Миллий баҳолаш тизимининг халқаро стандартлар талабларига жавоб бериши ваколатли халқаро ташкилотлар томонидан тасдиқланган бўлиши лозим.

Кўрсатилган талаблар (*халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган*)га мувофиқ бўлмаган Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг миллий баҳолаш тизимида чет тили бўйича олинган сертификатга эга бўлган педагог кадрларга ҳар ойлик қўшимча устама:

2025 йил 1 январга қадар — уларнинг тариф ставкасига нисбатан **50 фоиз миқдорида**;

2025 йил 1 январдан бошлаб — уларнинг тариф ставкасига нисбатан **20 фоиз миқдорида тўланади**;



Ҳар ойлик қўшимча устама сертификат амал қилиш муддати давомида, лекин **уч йилдан кўп бўлмаган** вақт мобайнида тўланади. Умумтаълим фанлари бўйича бир нечта сертификатга эга бўлган педагог кадрларга ҳар ойлик қўшимча устама **юқоридаги устама олиш ҳуқуқини берувчи сертификат** бўйича тўланади (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги ПФ–134-сон Фармони*).



Малакали педагог кадрларга ва илғор ходимларга ҳар ойлик устама ҳамда бир марталик пул мукофотларини тўлаш ишларини мувофиқлаштириш учун Вазирликда доимий равишда ишлайдиган Ишчи гуруҳ тузилади. Ишчи гуруҳ томонидан унга тақдим этилган номзодлар орасидан устама тўланадиган малакали педагог кадрларни танлаб олиш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:



- 1-босқичда тест синовлари;**
- 2-босқичда суҳбат.**

Касбий маҳоратини баҳолаш бўйича ўтказилган суҳбат натижаларига кўра энг юқори балл тўплаган малакали педагог кадрларга меҳнатга ҳақ тўлашнинг **базавий ҳисоблаш миқдорининг 5,5 баравари** миқдорида ҳар ойлик устама тўланади.

Касбий маҳоратини баҳолаш бўйича ўтказилган суҳбат натижаларига кўра энг юқори балл тўплаган малакали педагог

кадрлар рўйхати вазир буйруғи билан тасдиқланади ва сайтга жойлаштирилади.

Бир марталик пул мукофоти **базавий ҳисоблаш миқдорининг 5,5 баравари** миқдорида бўлиб, уни олиш ҳуқуқига эга бўлган илғор ходимлар тўғрисидаги маълумотлар Ишчи гуруҳ томонидан шакллантирилади ва якуний рўйхат вазир томонидан тасдиқланади ҳамда сайтга жойлаштирилади.



Инклюзив таълим синфлари ўқитувчиларига меҳнатнинг алоҳида шароитлари учун ҳар ойда тўланадиган устама ҳақи синфда алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган **бир нафар бола учун лавозим маошининг 10 фоизи**, икки нафар бола учун лавозим маошининг 20 фоизи, уч нафар бола учун лавозим маошининг 30 фоизи миқдорида, **икки ва ундан ортиқ** инклюзив таълим синфларида тўрт нафар ва ундан ортиқ бола учун таълим-тарбия ишларини олиб борган ўқитувчилар ва махсус педагогларга лавозим маошининг **40 фоизи миқдорида** белгиланади.



Бошланғич таянч коррекцион синфлар ўқитувчилари ва махсус педагогларга меҳнатнинг алоҳида шароитлари учун ҳар ойда тўланадиган устама ҳақи **лавозим маошининг 50 фоизи миқдорида** тўланади.



Инклюзив таълим синфлари **синф раҳбарига** синф раҳбарлиги учун **тўлиқ ҳажмда қўшимча маблағ** ажратилади ва у директор жамғармасидан рағбатлантирилади (*Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 октябрдаги 638-сон қарори*).

МЕҲНАТГА СОАТБАЙ ҲАҚ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ



Педагог ходимлар меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш қуйидаги ҳолларда қўлланилади:



кетма-кет **икки ойдан ортиқ бўлмаган** даврда касаллик ёки бошқа сабаблар билан ишда бўлмаган ходимларнинг ўрнини босиш тартибида ишлаб берилган соатлар учун ҳақ тўлашда;



бошқа муассасалардан жалб этиладиган ўқитувчилар ва бошқа мутахассисларнинг, шу жумладан **ўриндошлик** бўйича бошқа мактаблардан жалб этиладиган ўқитувчилар ва мутахассисларнинг педагогик иши учун ҳақ тўлашда;



ўрнини босиш тартибида умумтаълим муассасалари **раҳбарлари** томонидан ўтилган ўқув соатлари учун ҳақ тўлашда.



Умумтаълим муассасалари педагог ходимлари меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш ставкалари миқдори **белгиланган тартибда** аниқланади.



Халқ таълими муассасасининг раҳбар ходими томонидан унинг эгаллаб турган штат бирлигидан қатъи назар, асосий лавозимнинг бир ҳафтада **10 соатгача ҳажмда** ўқитувчи лавозими билан қўшиб олиб борилишига (ўқув юкламаси юритилишига) йўл қўйилади.

